# ЯША, АЗАМАТ ПАХТАКОР!






✽ Ўзбекистон пахтакорлари она-Ватанга 3 миллион 800 минг тонна пахта етказиб бериб, 1965 йилда пахта етиштириш жиҳатидан етти йиллик план топшириғини ошириб бажардилар.

✽ Дала гвардиячилари—механизаторлар эришган ғалаба ҳаммамизни қувонтирмоқда. Ҳозиргача 890 минг тонна „оқ олтин“ „зангори кема“ларда териб олинди.

✽ Республикамиздаги 80 та пахтакор райондан 68 таси йиллик планни ошириб бажарди.

✽ *Пахтакорлар, механизаторлар, бутун қишлоқ меҳнаткашлари эришган бу улкан ғалаба жонажон партиямизнинг XXIII съездига муносиб совғадир.*


БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 225 (3197). | Чоршанба, 17 ноябрь 1965 йил | Баҳоси 2 тийин.


## ҚЎШИМЧА МАЖБУРИЯТ ҲАМ ШАРАФ БИЛАН БАЖАРИЛДИ

# БУЮК ЖАСОРАТ

### ЎЗБЕКИСТОН ССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Ўзбекистон пахтакорлари янги ажойиб ғалабани қўлга киритдилар.

Ватан омборларига давлат план — заказидан ташқари 200 минг тоннадан кўпроқ, жами эса 3 миллион 800 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» топширилди. Республика 1965 йилда пахта етиштириш даражаси жиҳатидан етти йиллик план топшириғидан ўзиб кетди. Пахтанинг 90 процентдан кўпроғи биринчи сортларга топширилди. 890 минг тонна пахта машиналарда терилди.

Планни 118 процент бажарган Хоразм областининг пахтакорлари, планни 112 процент бажарган Тошкент областининг пахтакорлари, планни 110 процент бажарган Қорақалпоғистон АССР пахтакорлари, планни 109 процент бажарган Сурхондарё областининг пахтакорлари, планни 109 процент бажарган Самарқанд областининг пахтакорлари, планни 105 процент бажарган Фарғона областининг пахтакорлари, планни 102 процент бажарган Андижон областининг пахтакорлари ва планни 101 процент бажарган Қашқадарё областининг пахтакорлари бу ғалабага жуда катта ҳисса қўшдилар. Яқин бир-икки кун ичида Бухоро ва Сирдарё областлари ҳам пахта тайёрлаш планини бажарадилар.

Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда ҳозирдаёқ 33,7 центнердан ҳосил олган Хоразм областининг пахтакорлари, ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 28 центнер ҳосил етиштирган Сурхондарё областининг пахтакорлари ва ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 26,4 центнер хирмон кўтарган Андижон областининг пахтакорлари энг юқори ҳосилдорликка эришдилар.

Республикадаги 80 та пахтакор райондан 68 таси пахта тайёрлаш давлат планини тўла ва ошириб бажарди. 33 район экин майдонининг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 25 центнердан кўпроқ, булардан 13 район эса 30 центнердан ошириб ҳосил олди.

Янгиариқ районининг пахтакорлари ҳар гектардан —36,5 центнер, Денов районининг пахтакорлари —35,1 центнер, Юқори Чирчиқ районининг пахтакорлари—34,6 центнер, Урганч районининг пахтакорлари—35 центнер, Хива районининг пахтакорлари—33,9 центнер, Оржоникидзе районининг пахтакорлари—33,4 центнер, Тўрткўл районининг пахтакорлари—32,3 центнер, Наманган районининг пахтакорлари—31,6 центнер ҳосил олди.

922 пахтакор колхоздан 457 таси экин майдонининг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 25 центнердан ошириб, шулардан 198 таси 30 центнердан зиёд ҳосил кўтарди.

Янгиариқ районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози ҳар гектардан 42,9 центнер, Янгиариқ районидаги Киров номли колхоз—41,2 центнердан, Денов районидаги «8 Март» колхози—40,5 центнердан, Наманган районидаги «Ленинград» колхози—39,5 центнердан, Денов районидаги «Ғалаба» колхози—37,8 центнердан, Беруний районидаги Оржоникидзе номли колхоз—36,9 центнердан, Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз—36,6 центнердан, Тўрткўл районидаги М. Горький номли колхоз—36,5 центнердан, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози—36,3 центнердан, Жиззах районидаги «Москва» колхози—36,1 центнердан, Янгиқўрғон районидаги Навоий номли колхоз—35,5 центнердан, Поп районидаги «Партия XXII съезди» колхози—34,6 центнердан, шу райондаги Ленин номли колхоз ҳар гектаридан 34,3 центнердан, Хатирчи районидаги «Партия XXII съезди» колхози—32,6 центнердан, Шаҳрисабз районидаги «Қизил юлдуз» колхози —34 центнердан, Боёвут районидаги «Коммунизм» колхози—33,5 центнердан, Пойариқ районидаги Калинин номли колхоз—32,4 центнердан, Бухоро районидаги Охунбобоев номли колхоз ҳар гектаридан 27,1 центнердан ҳосил кўтарди.

Республикадаги 35 совхозда ва бошқа давлат хўжаликларида пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги гектар бошига 25 центнердан ошиб кетди. Шўрчи районидаги «Комсомол 30 йиллиги» совхози ҳар гектаридан—34,3 центнер, Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» совхози—29,1 центнердан, «Пахтаорол» совхози—28,9 центнердан, Қўрғонтепа районидаги «Савай» совхози ҳар гектаридан — 27,8 центнердан ҳосил кўтарди.

Юзлаб бригадалар ҳар гектаридан 40-45 центнер ва бундан ҳам кўпроқ ҳосил етиштирдилар.

Республикада қоракўл тери ва пилла етиштириш юзасидан етти йиллик планнинг контроль рақамларида кўрсатилган топшириқлар ҳам ошириб бажарилди, тухум, сабзавот, полиз маҳсулотлари, ҳўл мева, узум тайёрлаш плани ошириб адо этилди.

Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXIII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XVII съезди шарафига социалистик мусобақани янада кенг авж олдириб, ўз куч—ғайратларини пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни туғаллашга, кузги—қишки ишларни уюшқоқлик билан ўтказишга ҳамда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари тайёрлашни муваффақиятли якунлашга сарфламоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

## „ОҚ ОЛТИН“ ХИРМОНИГА

### 16 НОЯБРГАЧА

**Оржоникидзе — бир кунда 0,20, мавсум бошидан 125,62; Оққўрғон — бир кунда 0,07, мавсум бошидан 115,91; Ўрта Чирчиқ — бир кунда 0,11, мавсум бошидан 115,12; Юқори Чирчиқ — бир кунда 0,20, мавсум бошидан 114,11; Калинин — бир кунда — 0,16, мавсум бошидан бери 113,07; Бўка — бир кунда 0,07, мавсум бошидан 109,96; Янгийўл — бир кунда 0,05, мавсум бошидан 108,45; Бекобод — бир кунда 0,18, мавсум бошидан 104,58.**

**Область бўйича бир кунда 0,10, мавсум бошидан 112,14 процент пахта тайёрланди.**

## ШУДГОРЛАШ ИЛҒОРЛАРИ

Область партия комитети ва область ижроия комитети районлар, совхозлар ва колхозларда ноябрь ойи учинчи беш кунлигидаги шудгорлашнинг бориши якунларини кўриб чиқдилар. Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Калинин районига** (район партия комитетининг секретари **Камолов**, район ижроия комитетининг раиси **Тожиев**, район ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи **Убайдуллаева**, район комсомол комитетининг секретари **Раҳимжонова**, «Узсельхозтехника» бирлашмаси район бўлими бошқарувчиси **Усмонов** ўртоқлар) берилди. Район беш кунликда шудгор қилишда 14,30 процент ўсишга эришиб, шудгорлаш планини 71,70 процент бажарган. Байроқ Оққўрғон районидан олиб берилди.

Ўрта Чирчиқ ва Янгийўл районларидаги колхоз ҳамда совхозларнинг шудгорлашда яхши ишлаганликлари қайд қилинди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Калинин районидаги **«Назарбек»** совхозига (директори **Абдувалиев**, партия ташкилотининг секретари **Эргашев**, ишчилар комитетининг раиси **Баратов**, бош агроном **Қорахўжаев**, бош инженер **Ким** ўртоқлар) берилди. Бу совхоз сўнгги беш кунликда шудгор қилишда 18 процент ўсишга эришиб, планни 82,2 процент бажарган. Байроқ Янгийўл районидаги «Чиноз» совхозидан олиб берилди.

Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози, Янгийўл районидаги «Халқобод» комбинатининг шудгорлашда яхши ишлаганликлари қайд қилинди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Калинин районидаги **«Ленинизм»** колхозига (раиси **Ортиқов**, партия ташкилотининг секретари **Толипов**, бош агроном **Исоқов**, колхоз раисининг механизация бўйича ўринбосари **Охунов** ўртоқлар) берилди. Бу колхоз беш кунликда шудгорлашда 47,60 процент ўсишга эришиб, планни 61,60 процент бажарган. Кўчма Қизил байроқ шу райондаги Охунбобоев номли колхоздан олиб берилди.

Оққўрғон районидаги «Москва» ва Янгийўл районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозларининг шудгорлашда яхши ишлаганликлари қайд қилинди.

## „ВЕНЕРА-3“ ПАРВОЗДА

### ТАСС АХБОРОТИ

1965 йил 16 ноябрда Совет Иттифоқида Венера планетаси томон «Венера-3» планеталараро автоматик станцияси учирилди.

«Венера-3» планеталараро автоматик станциясини гелиоцентрик орбитага чиқариш схемаси «Венера-2» планеталараро автоматик станциясини орбитага чиқариш схемасига ўхшашдир.

«Венера-3» автоматик станциясини учиришдан кўзда тутилган асосий мақсад—Венера планетаси ва космик фазо тўғрисидаги илмий ахборот ҳажмини кўпайтириш ва бу ҳақда қўшимча илмий маълумотлар олишдир.

«Венера-3» автоматик станциясининг вазни 960 килограммдир.

«Венера-3» станциясининг конструкцияси «Венера-2» станциясининг конструкциясидан илмий аппаратлар состави билан бироз фарқ қилади. Бу станция бир қанча янги тадқиқот вазифаларини ҳал қилиши лозим.

«Венера-3» планеталараро автоматик станцияси мўлжалланганига яқин траекторияга чиқарилди. Ердаги команда — ўлчов комплекси ҳар икки станция — «Венера-2» ва «Венера-3» станцияларининг парвозини кузатиб турибди ва станциялар системасининг ишини бошқармоқда.

Телеметрик ахборот маълумотларига кўра, «Венера-3» станциясининг барча системалари нормал ишлаб турибди. «Венера-3» автоматик станцияси 1965 йил 16 ноябрь Москва вақти билан соат 12 да Ердан 65 минг километр масофада Ер сатҳининг координатлари шимолий кенгликнинг 23 градус 25 минут ва шарқий узунликнинг 99 градус 39 минут бўлган нуқтаси устида парвоз қилмоқда эди.

Координациялаш — ҳисоблаш маркази олинаётган барча ахборотларни ишлаб бермоқда.



